БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши

№ 21 (1799)

29 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1961 йил

БАҲОСИ 2 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Мақсадимиз — суткасига 19 машина тайёрлаш

В. КОНСТАНТОПУЛО
— «Ташсельмаш» заводи бош инженери вазифасини бажарувчи

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми шуни таъкидладики, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида саноат асосий роль ўйнаши керак. Ўзбекистон заводлари колхоз ва совхозларга тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, биноқорлик материаллари етказиб беришни тобора кўпайтиришлари лозим.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири республикамиздаги бир қанча машинасозлик корхоналари раҳбарларига мурожаат қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳисса қўшишни кучайтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида ишлаб чиқарилиши кўпайтирилиши зарур бўлган машиналар қаторида пахта териш машинаси ҳам тилга олинади. Бундай техника тайёрлашни кўпайтириш «Ташсельмаш» заводи коллективининг шарафли вазифасидир.

Планга мувофиқ завод 1961 йилда 5000 та «ХВС-1,2» машинаси тайёрлаши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу планни муваффақиятли бажаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш суръатига эришилди. Аммо коллектив бу билан кифояланиб қолмайди. Келаси йилда машина ишлаб чиқаришни 10 мингга етказиш учун зарур бўлган комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда заготовка-пресс корпуси қурилиши учун майдон тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу йирик ихтисослаштирилган корпус 22 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Бу ерда йирик механизациялашган участкалар, жумладан пресслаш, пайвандлаш, бўяш ва бошқа участкалар вужудга келтирилади. Бу участкалар ҳар ойда бир неча минг тонна металлни қайта ишлашни таъминлайди. Корпуснинг бир томонидан вагонларга ортилган металл киритилса, иккинчи томонидан тайёр, бўялган узеллар поток ёрдамида йиғув цехига узатиб берилади. Бу корпуснинг ҳужжатларини «Узгипрошахт» лойиҳалаш институти тайёрламоқда.

Механика цехларини ихтисослаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бу цехларнинг кўпчилиги заводда тайёрланаётган янги агрегатлар билан ускуналанади. Масалан, шчетка планкалари ишлаб чиқариш бўйича автоматик линия созланмоқда. Ҳозирги вақтда кўплаб ишлаб чиқариладиган бундай деталлар 15 та станокда уч смена давомида тайёрланаётир. Автомат линия ишга туширилгач, тўрт операциянинг ҳаммаси автомат равишда бажарилади ва бу линияни икки малакали ишчи-оператор ва созловчи бошқаради. Бош механик бўлими 37 та юқори унумли агрегат станоклари тайёрлайди, 65 та асбоб-ускунани модернизациялашга қарор қилинди. Шуниси қувончлики, эски станокларда детални кўтариш, ўрнатиш ва олиш ишлари автоматлаштирилади.

Машина конструкциясига ҳам айрим янгиликлар киритилди. 21 январда «ГАЗ-321» моторли биринчи «ХВС-1,2» машинаси йиғилди. Бу мотор оборотлар сонини тартибга солувчи регулятор билан таъминланган. Бункер ҳажми оширилди, механик-ҳайдовчиларнинг агрегатни бошқаришни енгиллаштириш ҳақидаги илтимослари ҳисобга олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришни ташкил этишда айрим камчиликларга йўл қўйилди. Бу, пахта териш машиналари тайёрлаш суръатини янада оширишга маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Таъминот бўлими ишида катта камчиликлар бор. Бизга деталь ва қисмлар етказиб берадиган айрим корхоналарга эътирозларимиз ҳам бор. Тошкент тўқимачилик комбинати махсус қайишлар тайёрлашни ҳамон судрамоқда. «Ўзбекхиммаш» заводи ғилдираклар ишлаб чиқаришни тезлаштириши лозим.

Коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, машиналар ишлаб чиқариш биринчи квартал планини муддатидан 20 кун илгари бажаришга қарор қилди. Қолган вақт ичида ҳаракатланувчи қисмларни ишлаб чиқаришни трактор-йиғув заводига топшириш, запас қисмлар тайёрлашни тезлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг янада юксакроқ суръатига эришиш учун лозим бўлган тадбирларни амалга оширамиз. Мақсадимиз — суткасига 19 та машина ишлаб чиқаришга эришишдан иборатдир.

Трактор ўрнига ўзиюрар шассилар тайёрлаймиз

И. НИЧАЕВ —
Ўзбекистон трактор-йиғув заводининг бош инженери

Бу йил ғўзани парвариш қилишда фойдаланиладиган «Т-28Х» тракторлари ишлаб чиқариш кескин кўпаяди. Шунга қарамай, коллективнинг асосий эътибори иккинчи маҳсулот — пахта териш машиналарининг ўзиюрар тележкалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилгандир.

Бу, заводимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Биринчидан, корхонамиз пахтани йиғиб-териб олишни механизациялаш бўйича муҳим вазифани ҳал қилишга актив қўшилади. «Ташсельмаш» заводини ҳаракатланувчи қисмлар ишлаб чиқаришдан озод этиш йўли билан пахта териш техникаси тайёрлашни кўпайтиришга ёрдам беради. Иккинчидан, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш — заводни ўзиюрар шассилар тайёрлашга ихтисослаштириш йўлида муҳим қадам бўлади. 1963 йилдан бу прогрессив техника заводнинг асосий маҳсулоти бўлиб қолади.

Ҳозир янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Ўзиюрар тележкалар узелларига механик ишлов бериш ва йиғиш цехи қад кўтараётир. Бу ерда «Ташсельмаш» заводи берадиган асбоб-ускуналар ва бошқа бир қанча янги машиналар ўрнатилади. Бошқа цехда тайёрлаш, штамплаш, пайвандлаш, бўяш участкалари ташкил этилади. Бош конвейер ҳам ўрнатилади.

Айрим корхоналар стандарт бўлмаган ва махсус асбоб-ускуналарни тайёрлашда трактор-йиғув заводига ёрдам беради. Кўплаб ишлаб чиқариладиган деталлар — шлиц валиклари ва шестернялар тайёрлаш учун иккита автомат линия заказ қилинди.

Корхона қуввати оширилгач, келаси йилдан 10 минг ўзиюрар тележкалар ишлаб чиқариш таъминланади.

Суратдаги бу йигит Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг тракторчиси Камол Дадабоев. Камол колхоз устахонасида трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатли ремонт қилинишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Маҳаллий Советларга сайловлар

Советлар — ишчи ва деҳқонларнинг революцион кураши жараёнида капиталист ва помешчикларнинг эски, чириган, меҳнаткашларга бутунлай ёт бўлган ҳокимияти ўрнида вужудга келган халқ ҳокимиятининг органидир. Советларни халқнинг ўзи ижод этди.

Советлар ўзи ғужудга келган дастлабки кунларданоқ меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-тилакларини ўзида тўла гавдалантирди, ана шу орзу-тилакларни амалга ошириш учун олиб борилган курашнинг жанговар байроғи ролини ўйнади. Мамлакатимиз ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқ тузиб, улуғ Ленин томонидан олдинга сурилган «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиор остида ҳокимият учун кураш олиб борди ва ғалаба қозонди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатимиз халқ хўжалиги, маданияти, фани ва техникаси мисли кўрилмаган даражада юксалди. Халқимиз турмушининг фаровонлик даражаси бенихоя ошди. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида юз берган буюк ўзгаришларни республикамиз ва областимиз мисолида янада яққол кўриш мумкин.

Серқуёш Ўзбекистон Иттифоқимизнинг асосий пахта базасига, саноати, фани ва маданияти юксак даражада ривожланган республикага, социализмнинг шарқдаги машъалига айланди. Саноатнинг илғор техника билан қуролланган юзлаб корхоналари барпо этилди. Шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб олий ва махсус ўрта ўқув юртлари, юзлаб умумий таълим мактаблари, кўп сонли илмий-текшириш муассасалари, маданият саройлари ва клублар, медицина ва болалар муассасалари ишлаб турибди. Маиший муассасаларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилди.

Буларнинг ҳаммаси Советлар фаолиятининг, улар хўжалик ва маданий қурилишни юксалтириш, халқ турмушининг моддий ҳамда маданий-маиший даражасини ошириш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг натижасидир.

Коммунистик партия Советларнинг фаолиятини кучайтириш, улар хўжалик ва маданий қурилишга қилаётган раҳбарликнинг савиясини ошириш, уларнинг халқ оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаш масалаларига доимо катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам ана шундай катта эътибор бераётир. КПСС XXI съезди Советларнинг ролини янада юксак даражага кўтарди, улар олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

«Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида, — дейилади КПСС XXI съезднинг резолюциясида, — меҳнаткашлар депутатлари Советларининг роли янада кўпроқ ошиб бормоқда. Республика, ўлка, область, шаҳар, район ва қишлоқ Советлари саноат корхоналари ва қурилишлар, колхоз, совхозларнинг етти йиллик план топшириқларини бажариш юзасидан қиладиган ишларининг энг муҳим масалалари билан кун сайин шуғулланиб туришлари, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва маданиятини ошириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари лозим».

Областимиз маҳаллий Совет органлари съезднинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, саноат ва қишлоқ хўжалигига, маданий қурилишга раҳбарликни тубдан яхшиладилар, оммани етти йиллик план топшириқларини, партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашга кенг сафарбар этмоқдалар.

Кейинги даврда Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари бир мунча яхшиланди. Улар саноат, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, маданий қурилишни авж олдириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз сессияларида тез-тез муҳокама қилмоқдалар ва бу соҳада амалий тадбирлар белгиламоқдалар.

Еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советлари ваколатининг 1961 йил 1 мартда тугаши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми 1961 йил 5 мартда маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Газеталарда Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область Советларига ва Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиялари ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Фармони, шунингдек район ва шаҳар Советларига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида Тошкент область ижроия комитетининг, Тошкент шаҳридаги район Советларига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг, область ва пойтахтимиз меҳнаткашларининг жамоат ташкилотлари ва жамиятлари Тошкент область ҳамда Тошкент шаҳар Советларига, областнинг район ва шаҳар Советларига, Тошкент шаҳрининг район Советларига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари составига ўзларининг энг яхши вакилларини тавсия этдилар.

Маҳаллий Советларга сайловлар жуда катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий кампаниядир. Ҳозир бутун республикамиздаги каби областимизда ҳам маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси — сайловларга тайёргарлик кўриш ишларини партиямиз Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашини кучайтириш, КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш билан бирга қўшиб олиб боришдан иборатдир. Ҳамма ерда сайловолди сиёсий агитациясини намунали йўлга қўйиш, сайловга ташкилий-техника жиҳатидан пухта тайёргарлик кўриш, сайлов участкаларини ва агитпунктларни кўнгилдагидек жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини олдиндан бекаму-кўст тахт қилиб қўйиш керак.

Шубҳа йўқки, республикамиз маҳаллий ҳокимият органларига бўладиган сайловлар областимизнинг барча шаҳар ва районларида юксак уюшқоқлик билан, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари муносабати билан меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган партиямиз XXII съезди шарафига умумхалқ мусобақаси қизғин тус олган бир вазиятда ўтади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Алоқа министри М. А. Шарков, Маданият министри С. М. Муҳамедов, савдо министринг ўринбосари А. А. Матвеев, Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси Х. Ю. Юнусов, Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. В. Филиппов, Давлат статистика нашриёти республика бўлимининг бошқарувчиси А. Н. Низомхоновнинг меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сайловларига тайёргарлик ҳақидаги ахборотларини тинглади.

Ахборотларда қайд қилиб ўтилдики, министрлик ва бошқармалар ҳамда уларнинг маҳаллий органлари сайлов кампаниясини ўтказмоқ учун ҳамма сайлов комиссиялари ва сайлов участкаларини етарли миқдорда моддий техника воситалари билан таъминлаш учун зарур чораларни кўрдилар. Сайлов комиссиялари ва сайлов участкаларини телефонлаштирилмоқда, уларнинг баъзилари радиостанциялар олмоқдалар. Узоқ районлардаги сайлов округларига сайлов ҳужжатларини етказиб бериш ва улар билан оператив равишда алоқа боғлаб туриш учун самолётлар ажратилди. Сайлов бюллетенлари босиб чиқариш учун матбаа базаси тайёрланди.

Сайлов кампанияси хўжалик ва маданий қурилишда, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишни уюштиришда маҳаллий Советларнинг ролини янада ошириш шиори остида ўтказилмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг материалларини, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини, совет сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини меҳнаткашларга кенг тушунтириш сайлов компаниясини муваффақиятли ўтказишнинг жуда муҳим шартларидан биридир. Сайлов участкаларида оммавий-агитация ишларини қизитиб юборган кўп минг кишилик активлар армияси маданий оқартув муассасаларидаги жуда кўп техника воситаларидан фойдалана олади. Радио эшиттириш ва телевидение, нашриётлар, кинопрокат, кутубхоналар, лекторийлар, театрлар ва бошқа ижодий муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ходимлари ана шу соҳада уларга катта ёрдам берадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми министрлик ва бошқармалар томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни муҳокама қилиб маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ана шу тадбирларнинг амалда бажарилиши устидан кундалик контроль ўрнатишни топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида республика ички ишлар министри Т. А. Жалилов, Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари И. Ҳакимов ва республика олий судининг раиси У. И. Иброҳимовнинг совет қонунчилигини ва социалистик жамият қоидаларини бузиш ҳолларига қарши курашда жамоатчиликнинг иштироки ҳақидаги докладлари ҳам тинглади.

Ҳозирги вақтда республиканинг шаҳар ва қишлоқларида икки мингга яқин ўртоқлик судлари ва жамоат тартибини сақлайдиган 3560 тадан кўпроқ халқ дружиналари ишлаб турибди. Бироқ, қабул қилинган қарорда қайд қилиб ўтилганидек, қонунчиликни бузиш ҳолларига қарши курашга жамоатчиликни жалб этиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг савияси ва бу ишларнинг кўлами бугунги кунининг талабларига ҳали жавоб бермаётир. Ҳамма корхоналарда, муассасаларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда ўртоқлик судлари ва халқ дружиналари ҳали тузилган эмас. Уларнинг фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси, деб кўрсатиб ўтилади қарорда, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар ва область Советларининг қўпгина ижроия комитетлари ўртоқлик судлари ва кўнгилли дружиналарнинг ишларига етарли даражада ёрдам бермаётганликларининг оқибатидир. Олий суд, область ва халқ судлари, ички ишлар министрлиги, республика прокуратураси ва уларнинг жойлардаги органлари социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг ролини ошириш ҳақида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари зиммасига қонунчиликни ва социалистик жамият қоидаларини бузиш ҳолларига қарши курашга кенг халқ оммасини жалб этиш ишини яхшилаш вазифасини юклади.

Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқиш ва уларни қабул қилиш ишининг аҳволи ҳақидаги масала юзасидан маҳсус қарор қабул қилинди. Қарорда қайд қилиб ўтиладики, айрим республика ташкилотларида, жумладан қурилиш ва алоқа министрликларида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига нисбатан кўп ҳолларда бюрократларча қараш фактлари рўй бермоқда. Тошкент шаҳрининг Ленин ва Киров район ижроия комитетларида, Самарқанд шаҳар ижроия комитетида ва бошқа маҳаллий совет органларида ҳам ана шундай ҳоллар содир бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бу муҳим ишни уюштиришда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгилади.

Олий Совет Президиуми ўзининг шу мажлисида Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг 1960 йилги статистика ҳисоботларини қараб чиқди ва тасдиқлади.

Олий Совет Президиуми маҳаллий Советларнинг диққат-эътиборини ўз ишларини янада такомиллаштириш, хўжалик ва маданий қурилишда маҳаллий Советларнинг ролини бутун чоралар билан ошириш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш зарурлигига каратди. (ЎзТАГ).

Бутун куч-ғайратни КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этайлик!

ВЦСПС VI пленуминг қарори

23—24 январда Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий советининг VI пленуми бўлиб ўтди. Бу пленумда ВЦСПС раиси В. В. Гришиннинг «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг якунлари ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини бажаришга ишчи ва хизматчиларни сафарбар қилиш юзасидан касаба союз ташкилотларининг вазифаси ва муҳокама қилинди» доклади тинглади ва муҳокама қилинди.

ВЦСПС VI пленуми қабул қилган қарорда бундай дейилади: ВЦСПС пленуми КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бутунича ва тамомила маъқуллайди ҳамда бу қарорларни оғишмай амалга ошириш ва раҳбарлик учун қабул қилади.

СССР касаба союзлари ўзининг бутун фаолиятида ҳамиша ғолиб марксча-ленинча таълимотга тиниймай амал қилишни, ишчи ва хизматчилар кўп миллионли армиясини жонажон Коммунистик партия теварагига жипслаштиришни, уларнинг ижодий куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг буюк планларини амалга оширишга қаратишни ўзининг олий бурчи деб биладилар.

Ҳозирги вақтда касаба союзларининг энг муҳим вазифаси — саноатда ва транспортда етти йиллик учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун буюк қурилишимизнинг ҳамма участкаларида КПСС XXII съездини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш учун курашдан иборат.

ВЦСПС пленуми қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетига ёзган хатида, унинг нутқи тезисларида ва партия Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқида, шунингдек КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида баён қилинган тадбирларни бутунича ва тўла равишда маъқуллаб, меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун курашга сафарбар қилиш — барча касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблашга қарор қилди. Пленум барча республика, ўлка ва областларнинг, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан 1961 йил топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун, яқин йиллар ичида бутун мамлакатда дон харид қилишни ҳар йили 4 миллиард 200 миллион пудга, гўшт харид қилишни 13 миллион тонна, сут харид қилишни 50 миллион тоннага етказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таклиф этади.

ВЦСПС пленумининг қарорида бундай дейилади: Касаба союз ташкилотлари ҳар бир совхоз, ҳар бир бўлим ва бригадада имконият ва резервларни қидириб топиш ишларига ишчиларни ва мутахассисларни жалб этишлари, дон, техника экинлари, сабзавот, картошка, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқишда актив қатнашишлари лозим. Саноат корхоналарининг касаба союз ташкилотлари ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусини қишлоқ хўжалиги учун керакли буюмлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планини тўла ҳамда ошириб бажаришга, қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуналари ва уларга керакли запас қисмлар сифатини яхшилашга сафарбар қилишлари лозим.

РСФСРнинг жанубий районларидаги, Украина ССР, Молдавия ССР ва мамлакатнинг бошқа республикаларидаги касаба союз советлари ва комитетларига маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш учун мусобақани қизитиб юбориш таклиф этилди. Совхоз ишчилари ва хизматчиларининг ижодий куч-ғайратини техника экинлари етиштиришни ривожлантиришга, ҳосилни кўпайтириш, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, сабзавот, чой, мева, узум етиштиришда, уларни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиштириб олишда машина ҳамда механизмлардан кенгроқ фойдаланиш учун курашга ҳам сафарбар қилиш зарур.

ВЦСПС пленуми қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлашда уларга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш, ана шу районлар учун мўлжалланган техникани ўз вақтида тайёрлаш ва юкларни ўз вақтида етказиб бериш устидан назорат қилиб туриш, ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизматни яхшилашда Қўриқ ўлкадаги касаба союз ташкилотларига ёрдам бериш зарур.

Мамлакатнинг ҳамма районларидаги совхозларнинг касаба союз ташкилотлари ишчилар ва мутахассисларнинг ижодий куч-ғайратини ҳосилдорликни оширишнинг энг муҳим негизи сифатида деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, гречиха, нўхот, лўвия ва бошқа крупа ҳамда дуккакли экинлар етиштиришдаги қолоқликни бартараф қилишга сафарбар қилишлари лозим.

ВЦСПС пленуми қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, касаба союз ташкилотларига совхоз ишчилари ва мутахассисларининг куч-ғайратини чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишга, чорва моллари туёғини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун, чорва моллар қишловини яхши ўтказиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун курашга сафарбар қилишни таклиф этди.

Пленум қишлоқ хўжалиги ва маҳсулот тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союз комитетларига ва озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союз комитетларига деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишларни механизациялашга сабот билан эришишни, ҳар бир совхозда бу вазифани ҳал этиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқишда актив қатнашишни топширди.

ВЦСПС пленумининг қарорида бундай дейилади: металл, ёқилғи, машина, ўғитлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш, қишлоқнинг заказаларини муддатидан илгари ва сифатли қилиб бажариш — қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш йўлидаги умумхалқ курашига саноат, транспорт, қурилиш корхоналари коллективларининг қўшадиган энг муҳим ҳиссасидир. Касаба союз советлари саноат корхоналари коллективларининг колхоз ва совхозларни оталикка олиш ишларини яхши йўлга қўйишлари зарур.

Касаба союз ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оммасини ва, биринчи галда, қишлоқ меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги қарорини муваффақиятли суратда амалга ошириш учун, 1961 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашга жалб этиш соҳасида оммавий тушунтириш ва ташкилотчилик ишларининг ҳамма воситаларидан тўлароқ фойдаланишлари керак.

ВЦСПС пленумининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, бутун совет халқи каби СССР касаба союзлари ҳам коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг ҳужжатларини тинчлик, демократия ва социализм улуғ иши учун курашнинг жанговар программаси сифатида зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

ВЦСПС пленуми қарорининг охирида бундай дейилади:

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми Коммунистик партия ва совет халқининг ҳаётида муҳим ўрин олади, мамлакатимизнинг экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришда, коммунистик қурилиш суръатларини тезлаштиришда жуда катта роль ўйнайди.

ВЦСПС пленуми барча ишчилар, инженерлар, техниклар ва хизматчилари, фан ва маданият ходимларини, касаба союзларининг барча аъзоларини КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга, ўзларининг ижодий фикр ва меҳнатларини етти йиллик планни ва 1961 йил топшириқларини муддатидан илгари бажаришни таъминлашга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини янада кенг миқёсларда кўрсатишга, мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат буюк ишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга даъват этади.

ВЦСПСнинг VI пленуми касаба союзларининг 56 миллион аъзолари номидан Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни ишонтириб айтадики, совет касаба союзлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун, мамлакатимизнинг халқ хўжалигини бундан бўён ҳам доим юксалтириш учун, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун курашга сарф қилдилар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

КИЕВ, 27 январь. (ТАСС). Украина Компартияси Марказий Комитети пленумининг мажлисларя Киевда икки кундан бери давом қилмоқда.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил январь Пленуми якунлари ва Украина ССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида 26 январда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. В. Подгорний доклад қилганлиги тўғрисида илгари хабар бериб ўтилган эди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний докладидан юзасидан бошланган музокараларда Днепропетровск область партия комитетининг секретари А. И. Гаевой, Черновица область Новоселицкий районидаги «Заря коммунизма» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Савчук, Киев область партия комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, Тернополь область Зелещчицкий районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи М. И. Тимчук, Харьков область партия комитетининг секретари В. Н. Титов, Винница область партия комитетининг секретари П. П. Козирь, Николаев область Большеврадиевский районидаги «Украина» колхози трактор бригадасининг бошлиғи А. П. Рожко, Волин область Нововолинский районидаги «Дружба» колхозининг звено бошлиғи Н. С. Шостак, Тернополь область партия комитетининг секретари Г. И. Шевчук, Краснодар ўлкаси Каневский район партия комитетининг секретари А. С. Колесников, Хмельницкий область партия комитетининг секретари А. Ф. Ватченко, Черкасси область Чернобаевский районидаги «Коминтерн» совхозининг директори М. В. Коксовский, Станислав область Снятинский районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси А. С. Лелюк, маккажўхори илмий-тадқиқот институтининг директори, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академиги А. И. Задонцев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

Пойтахтимиз янада гуллаб-яшнайди

(ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДАН).

□ □ □

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бўлиб ўтган VII сессияси шаҳар хўжалигининг 1960 йилги ривожланиш якунлари ва уни 1961 йилда ривожлантириш плани ҳамда 1959 йилги шаҳар бюджетининг бажарилиши ва шаҳарнинг 1961 йилги бюджети тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Шаҳар саноатининг, шунингдек, шаҳар ижроия комитетининг саноат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларининг коллективлари етти йиллликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажардилар. Капитал, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши кенг миқёсда давом эттирилди. Пойтахтимизнинг ободончилиги янада юксак даражага кўтарилди. Халқ маорифини юксалтириш, маданий-маиший, савдо, медицина ва болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш юзасидан ҳам кўпгина ишлар қилинди.

— Пойтахтимиз хўжалигини, — деди шаҳар хўжалигининг 1960 йилги ривожланиш якунлари ва уни 1961 йилда ривожлантириш плани ҳақида доклад қилган шаҳар ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ҳ. О. Маъруров, —1961 йили янада тез суръатлар билан ривожлантириш назарда тутилади. Шаҳар ижроия комитети саноат бошқармасининг корхоналари 49 миллион сўмлик маҳсулот чиқаради. Янги саноат объектлари, уй-жой майдонлари қуриб, фойдаланишга топширилади. Аҳолига маданий-маиший, савдо ва медицина хизматти кўрсатишнинг даражаси янада ошади. Болалар муассасалари ва савдо шохобчалари қурилишини кенгайтириш соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилганлигини айтди. Унинг кўрсатишича, шаҳарда уй-жойларнинг 90 проценти Фрунзе райони территориясида қурилмоқда. Лекин совхозлари 1961 йили 52,7 минг тонна картошка, 52,8 минг тонна сабзавот, 31,5 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, шунингдек кўп миқдорда мева ва узум, чорвачилик маҳсулотлари ҳамда пилла етиштирадилар.

Тошкент шаҳри 1959 йилги бюджетининг бажарилиши ва шаҳарнинг 1961 йилги бюджети ҳақида шаҳар молия бўлимининг мудири депутат Ўртоқ А. Н. Назиров доклад қилди.

Ҳар икки масала юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб сўзга чиққан Октябрь район ижроия комитетининг раиси депутат Ўртоқ М. Мирхўжаев район саноати ўтган йили давлат планини муддатидан илгари бажарганлигини таъкидлади.

Нотиқ янги уй-жой массивлари қурилишини планлаштиришда камчиликларга йўл қўяётганликлари, уй-жой бинолари билан бир қаторда савдо, медицина ва маданий-маиший объектлар қурилиши назарда тутмаётганликлари учун шаҳар ижроия комитетининг бўлимларини танқид қилди.

Ўртоқ Мирхўжаев ўз сўзининг охирида шаҳар хўжалигини ривожлантириш 1961 йилги планини ва шаҳарнинг 1961 йилги бюджетини тасдиқлашни таклиф қилди.

Фрунзе район партия комитетининг секретари депутат Ўртоқ О. Соқиев районда ўтган йили саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан бир қаторда, уй-жой, медицина ва болалар муассасалари ва савдо шохобчалари қурилишини кенгайтириш соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилганлигини айтди. Унинг кўрсатишича, шаҳарда уй-жойларнинг 90 проценти Фрунзе райони территориясида қурилмоқда. Лекин янги массивларда қурилиш ишлари комплекс равишда олиб борилмаётир. Янги уй-жой массивларида йўл, водопровод, савдо, медицина ва болалар муассасалари ҳам қуриш лозимлиги эътиборга олинмаётир.

Келес поселка Советининг раиси Ўртоқ Т. Шарипов Калинин районининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан қарши олганликлари, Пленум қарорларига жавобан ва КПССнинг XXII съезди шарафига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайтириш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар олаётганликлари ҳақида гапирди.

Шу билан бирга у, район территориясини ободонлаштириш, аҳолига савдо, медицина хизмати кўрсатиш, йўлларни асфальтлаш ва аҳолини водопровод суви билан таъминлашга етарли эътибор бермаётганлиги учун шаҳар ижроия комитети ва унинг бошқармаларини қаттиқ танқид қилди.

Киров район ижроия комитетининг раиси депутат А. Браилов ва Куйбишев район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Журавлева Ўртоқлар ўз районларида ободончилик соҳасидаги камчиликлар ҳақида гапирдилар. Улар бу соҳада етарли ёрдам бермаётганлиги учун шаҳар Советини ва унинг ободонлаштириш бошқармасини танқид қилдилар.

Шунингдек музокараларда депутатлардан Ф. Русанов, И. Абросимов, Г. Ҳамитов ва бошқа Ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Сессия шаҳар халқ хўжалигини ривожлантириш 1961 йилги планини ва шаҳарнинг 1961 йилги бюджетини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.



«Узбекхиммаш» заводининг қозон-йиғув цехида иккита янги пролёт ишга туширилди. Суратда: ишга туширилган янги пролётнинг умумий кўриниши.
О. Левак фотоси.

Лекторлар семинари

Тошкентда область, шаҳар ва район партия комитетларининг лекторлари, консультант лекторлари ва штатли пропагандистлари учун, шунингдек Сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш жамиятининг лекторлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган семинар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Гриельянц семинар қатнашчилари олдида «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантиришнинг жанговар программасидир» деган темада доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг лектори К. В. Овчинников «Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисида» доклад қилди ва халқаро аҳвол ҳақида лекция ўқиди. КПСС Марказий Комитетининг лектори М. И. Михайловнинг «Ҳозирги босқичдаги халқаро коммунистик ҳаракат тўғрисида»ги ва бошқа темалардаги лекциялар тингланди.

Семинарда республика Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев нутқ сўзлаб, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини етти йиллликнинг учинчи йилида ривожлантириш плани тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Х .М. Абдуллаев лекторларни республикада фаннинг ривожланиши перспективалари билан таништирди.

Семинар программасига ҳозирги замон халқаро аҳвол ва СССРнинг ички аҳволи, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан актуал масалалар бўйича бир қанча лекциялар киритилган.

Семинарнинг якунловчи машғулотларидан бири пропагандистлар иш тажрибасини алмашишга бағишланади. (ЎзТАГ).

ИШЧАН, ПРИНЦИПИАЛ ТАНҚИД ОСТИДА

(ФРУНЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг материаллари ҳамда Никита Сергеевич Хрушчев нутқини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Жонажон партиямизнинг съездини муносиб кутиб оламиз! Мамлакатимиздаги ҳар бир меҳнаткаш шу кеча-кундузда ана шу фикр билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Тошкент шаҳар Фрунзе район партия конференцияси ҳам худди ана шу шиор остида ўтди.

Конференцияда хисобот доклади қилган райком секретари Ўртоқ О. Соқиев ва музокараларда сўзга чиққан делегатлар ўтган хўжалик йили якунлари ва етти йиллиknинг учинчи йили режалари ҳақида гапирдилар.

Район меҳнаткашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари — 17 декабрда бажардилар. Пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Шу билан бирга конференцияда айрим корхоналар, қурилиш ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Ёғоч ишлаш заводи, бетон қоришмаси тайёрловчи завод, 153-қурилиш трести ўтган йили белиланган топшириқларни бажармадилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари Ўртоқ Сергеева тўқимачиларнинг кўп сонли коллективи эришаётган муваффақиятлар ҳақида гапириб, корхонанинг бир меёрда ишламаслик сабабларига тўхталди. Республика Халқ хўжалиги кенгаши корхонани хомашё ва асбоб-ускуналар билан таъминлашни планлаштиришда камчиликларга йўл қўймоқда, комбинат механика заводини четдаги заказлар билан ҳаддан ташқари банд қилиб қўймоқда. Натижада бу завод Ўзимизнинг заказларимизни бажариш имкониятларидан маҳрум бўлмоқда. Нормал шароитлар яратиб берилмаганлиги сабабли комбинат кадрлари ўртасида қўнимсизлик ниҳоятда катта.

Биринчи пойафзал фабрикаси партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Кожевников ҳам республика Совнархозини қаттиқ танқид қилди.

— Халқ хўжалиги кенгаши, жумладан енгил саноат бошқармасининг ходимлари, — деди у.— Ўз қўл остидаги корхоналар билан яхши алоқада эмаслар. Турли хил справкалар, ҳисоботлар тўплаш, мажлис ва кенгашлар ўтказиш — Совнархоз ходимлари томонидан қилинаётган «раҳбарлик»нинг бор-йўғи ана шулардан иборат. Газламадан тайёрланадиган пойафзал учун хомашё Россия Федерациясининг турли шаҳарларидан келтирилмоқда. Ваҳоланки, бундай газмолни ишлаб чиқаришни Тошкентнинг ўзида ташкил этиш бемалол мумкин.

Конференция делегатлари идеология масалаларига катта эътибор бердилар.

«Таштекстильмаш» заводининг фрезеровщиги, коммунистик меҳнат зарбдори Нурматов, «Узгипрошахт» лойиҳалаш институти партия ташкилотининг секретари Храмов, тўқимачилик комбинати 2-йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси Смирнова, район комсомол комитетининг секретари Захарина ва бошқа Ўртоқлар меҳнаткашлар ўртасида, айниқса ётоқхоналарда турувчи ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Конференция делегатлари Чархкалон маҳалласи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Тожиевнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. У аҳоли ўртасида олиб борилаётган сиёсий ишлар ва бу соҳадаги тажрибалар билан Ўртоқлашди. Ўртоқ Тожиев маҳалла меҳнаткашлари ўз кучлари билан давлатдан ҳеч қандай маблағ олмай туриб кўрганликлари ва эндиликда бу ер бутун оммавий-сиёсий ва агитация-пропаганда ишларининг маркази бўлиб қолганлигини айтди.

Конференцияда область партия комитетининг секретари Ўртоқ А. М. Илюхин нутқ сўзлади.

Конференция ишларида республика Министрлар Советининг раиси Ўртоқ О. А. Алимов қатнашди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида О. С. Соқиев райкомнинг биринчи секретари, А. А. Беседин ва А. А. Осипова Ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

РАҲБАРЛИК ЖОНЛИ ВА КОНКРЕТ БЎЛСИН

(ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Район партия конференциясининг делегатлари коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунлари ва район партия комитетининг ҳисоботи юзасидан қилинган докладларни тингладилар ҳамда муҳокама қилдилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва Кенгаши якунлари тўғрисида область партия комитетининг секретари С. М. Веселов доклад қилди. Докладчи ва музокараларда қатнашган делегатлардан Ли Чер Су, Д. С. Михайличенко, Н. А. Шаталина, С. Тожибоев ва бошқа Ўртоқлар Кенгаш ҳужжатлари социалистик лагерь монолит бирлигини янада мустаҳкамлашда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Конференция қабул қилган резолюцияда коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунлари якдиллик билан маъқулланди.

Район партия комитетининг иши ҳақида райком секретари Ўртоқ И. С. Сотиболдиев ҳисобот доклади қилди.

Ўтган йили район меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Пахта гайёрлаш плани 102,8 процент, луб экинлари 156,5, пилла 150, гўшт тайёрлаш 231 процент қилиб адо этилди.

Лубчиларнинг фидокорона меҳнати самарали якунланди. Давлатга пландаги 71 минг ўрнига 112 минг тонна каноп поғоси сотилди. Ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан олинган поя 93 центнерни ташкил қилди. Бу 1959 йили ҳар гектар ердан олинган ҳосилга нисбатан 20 центнер кўпдир. Райондаги ҳамма хўжаликлар каноп, жут тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар.

Пахтакорлар ҳам яхши ишладилар. Димитров номли колхоз ҳар гектар ердан 33 центнерга етказиб ҳосил олди ва йиллик пахта тайёрлаш планини 144 процент қилиб бажарди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Красин номли колхоз ҳам пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ҳосилнинг ярмидан кўпи машина билан териб олинди.

Агар мавжуд ҳамма резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилганида, қишлоқ хўжалик экинларидан янада кўпроқ ҳосил етиштирилган бўлур эди. Район партия ташкилоти кам ҳосилли колхоз, бригада ва бўлимларни илғорлар даражасига кўтариш масаласи билан кам шуғулланди. Илғорларнинг бой тажрибалари кенг пропаганда қилинмади. Шунинг учун ҳам «Коммунизм» совхозида, «Гулистон» колхозида гектарига етиштирилган каноп ҳосили 51 центнердан ошмади. Ваҳоланки, бу район бўйича олинган ўртача каноп ҳосилига нисбатан жуда паст кўрсаткичдир.

Тошовул жут-каноп заводининг директори И. В. Мартьянов, 3-тикув фабрикаси партия ташкилотининг секретари Д. В. Латипов, Солдатск жут-каноп заводи партия ташкилотининг секретари Эн Си Ен ва бошқалар саноат корхоналарига юзаки раҳбарлик қилаётгани учун район партия комитетини қаттиқ танқид қилдилар.

Район комсомол комитетининг секретари Т. Исломовнинг айтишича, Сталин номли, Ворошилов номли, «Гулистон» колхозлари ва «Коммунизм» совхози бошланғич партия ташкилотлари комсомолга раҳбарлик қилишни унутиб қўйганлар. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришга етарли эътибор берилмаётир.

Конференция делегатларининг нутқларида асосий эътибор партиямизнинг навбатдаги XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янада кўпроқ кучғайрат сарфлашга қаратилди.

* * *

Район партия комитетининг пленуми И. С. Сотиболдиев, У. Пирмановв ва С. М. Тоиров Ўртоқларни райком секретарлари қилиб сайлади.

Е. ЗАВАЛИШИН.

Тошкент қурилишларида

РЕПОРТАЖ

ПЕШҚАДАМ БИНОКОР

Асосий корпуснинг икки томонидаги стеллажларда сон-саноқсиз панеллар турибди. Уйларнинг бу панелларга ҳатто эшик, ойнаси қўйилган дераза рамалари ҳам ўрнатилган. Баланд башнялик кранлар изларда ўёқдан-бўёққа тинмай қатнамоқда. Улар цехларда тайёрланган бир неча тонна оғирликдаги панелларни ўз стрелалари билан худди ўйинчоқ сингари кўтариб чиқиб, стеллажларга қўяр, машиналар келиб қолган вақтда тайёр панелларни уларнинг махсус прицепларига ортарди. Мана, кетма-кет икки машина келиб қолди. Иккита кран уларга панеллар ортди. Ишчилар бу деталларни йўғонлиги киши билагидек келадиган занжирлар билан маҳкам боғлашди, сўнгра шоферларга «оқ йўл» тиланди. Қудратли «маз»лар пишқириб, шаҳарга, тайёр уйлар монтаж қилинаётган қурилиш майдонига томон йўл олди.

Ҳозиргина машинага панел ортган, баландлиги терак бўйи келадиган кранларнинг бирини нозиккина, нариси билан 18—19 ёшларга кирган ёш қиз бошқараётганлигини кўриб ҳайратда қолдик. Эгнидаги коржома унинг қоматига ёпишиб турганидан гавдасини янада бежирим кўрсатарди. Қизнинг ана шундай катта агрегатни бошқаришига ишонгимиз келмас эди.

— Наманмизга ҳайрон бўлмай қўяқолинг,— деди шу ердаги ишчиларнинг бири.— Ўзи нозик бўлса ҳам ишига жуда пухта, манман деган кранчилардан ўзса-ўзадики, лекин қолишмайди.

Шу вақт панел ташувчи автомашина келиб қолди. Наима кранини яна ишга тушириб юборди. У ўз агрегати хартуми билан 4 та панелни кўз юмиб-очгунча ортиб қўйди. Ҳаракатлари чаққон. Кранни моҳирлик билан бошқарарди. Унинг шу ишини ўрган ҳар бир киши касбдоши юқорида айтган сўзга тўла қўшилади.

...Наима ўрта мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ кранчилар ишига ҳавас қўйган эди. У уйлари яқинида олиб борилаётган қурилишлардаги кранчиларнинг ишини қизиқиш билан кузатиб юрарди. Ўша вақтдаёқ «албатта шу касбни эгаллайман» деган қатъий қарорга келди. Ҳеч деман мактаби ҳам битирди. «Энди нима қилмоқчисан» деб берилган саволга «кранчи бўламан» деган жавобни қайтарганида дугоналари ҳайрон қолмадилар, чунки Наиманинг бу ишга кўнгил қўйганидан хабардор эдилар. Қўлига етуклик аттестатини олган кунинг эртасигаёқ йирик панелли тайёр уйлар комбинатига кранчи бўлиб ишга кирди.

Бу касбда ишлай бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо зеҳнли, чаққон, тиришқоқ Наима ёш бўлишига қарамай, 2-3 ой ичидаёқ ўз ҳунарининг ички-чиқиларигача ўрганди. Меҳнатда ўз бахтини топган бу қиз эндиликда пешқадам кранчилар қаторидан муносиб ўрин олди. Ўзининг ҳалол ва сифатли меҳнати билан обрў ҳам орттирди. Комбинатдаги ишчиларнинг ҳар бири ўз «жажжи» қизлари номини ҳурмат билан тилга олади. Наима Раҳимбобоева шу кунларда ишлаш билан бирга билимини ҳам кенгайтирмоқда. У махсус курсда ўз малакасини ошираётир.

Бир бошидан иккинчи томони зўрга кўринадиган корпус ичида иш янада авжга чиққан. Қаторқатор ўрнатилган горизонталь столлар, вертикал батареяларнинг кўпчилигига бетон қуйилиб, панеллар қуритилмоқда. Ишчилар эса айримларини мойлаб, бетон қуйишга қозирламоқдалар. Автокарлар қоришмани вагонеткаларда пешма-пеш ташиб турибди. Ёнма-ён турган қолиплар олдига икки вагонетка бетон қолдириб кетишди. Ишчиларнинг бири тельфер крани билан вагонетка корпусини даст кўтариб, қолип устига келтирди. Қолип ёнида эса белкурак ушлаган тўрт киши бетонни ётқазишга шайланишган. Шу вақт бригада бошлиғи Геннадий Трофименко «қоришмани тўк» деган команда берди. Кранчи вагонеткани эҳтиётлик билан бир томонга қийшайтириб, қоришмани қолипга қуйди. Ишчилар уни қолипга бошдан-оёқ бир хил қалинликда ётқизишди.

— Ўртоқ Трофименко бригадасини қанча мақтасанг ҳам камлик қилади, — деди комбинат директори Ўртоқ Каримов. — Қани энди ҳамма бригадалар ҳам шулардек ишлашса, борми...

— Чамамда анча ошириб юбординг, Ўртоқ Каримов,— деди мақтовлардан қизариб кетган бригадир шошиб-пишиб,— танимизда жонимиз бўлгандан кейин ишламай ҳам нима қилардик. Қанча яхши ишласак, бизга ҳам, давлатга ҳам шунча фойда-ку.

Суҳбат давомида кўп нарсани билиб олдик. Бригадага энг мураккаб ва нозик панеллар — бинонинг томи ва балкон деворларини қуйиш топширилган экан. Айниқса томга ёпиладиган панель сифатли бўлиши керак, унда айрим камчиликка йўл қўйилса ёки дарз бўлса борми чакка ўтиб кетиши мумкин. Бригада аъзолари ишнинг шундай масъулиятли томонига алоҳида эътибор беришади. Шу туфайли улар тайёрлаётган панеллар доим сифатли бўлмоқда. Смена топшириқлари эса 150 процентдан кам бажарилмайди.

Меҳнатда пешқадамлар бу ерда жуда кўп. Ўртоқ Ким Чен Хен бошлиқ бетончилар бригадасининг доврути кенг ёйилган. Ишчиларнинг Николай Ан, Ҳамидулла Ҳошимов, Ражаб Хисомов, Жўра Мирзаев, Гали Тухматов, Александр Каванцев ва бошқалар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Нормани бир ярим баравар бажариб, доим сифатли маҳсулот беришяпти.

Комбинатнинг барча цех ва участкаларида ишчилар зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилишяпти. Ҳар бир бригада, ҳар бир ишчининг фикри-зикри • мумкин қадар кўпроқ тайёр уйлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Съезд шарафига йил давомида 57 та йирик панелли уйлар етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятни шараф билан бажаришга астойдил интилмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ— АСОСИЙ ВАЗИФА

Меҳнаткашларга КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини ҳар томонлама ва кенг тушунтириш — сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамиятининг энг асосий бурчидир. Жамият правлениесининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ана шу вазифаларга бағишланганди. Бу ҳақда жамият раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан иқтисод фанлари доктори О. А. Алимов, республика Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори А. П. Қаюмов ва бошқа нотиқлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини қизғин маъқуллидилар.

Пленум шунингдек жамият аъзолари группалари ишининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Республика корхоналарида, колхозларида, совхозларида, олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларида ҳозир икки минг икки юздан кўпроқ ана шундай группалар бор.

Пленум қабул қилинган қарорда бир қанча группаларда пропаганданинг турмушдан ва ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларидан ажралиб қолганлигини бартараф этиш, лекцияларнинг таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда ғоявий ва илмий мазмунини ошириш юзасидан тадбирлар белгиладди.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Г. Н. Нажимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ

Совет фанининг ҳозирги вақтдаги асосий вазифаси етти йиллик суръатларини жадаллаштиришдан иборатдир. Бу вазифа КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларида алоҳида уқтириб ўтилди. Республика фанлар академияси академиклари ва корреспондент аъзоларининг 25 январда Тошкент олимлар уйида ўтказилган йиллик йиғилишида Ўзбекистон олимлари ҳалқ хўжалигига бутун ғоралар билан ёрдам бериш соҳасида партия томонидан илгари сурилган масъулиятли вазифаларни қай тарзда ҳал қилишлари кераклиги ҳақида гапирилди.

Йиғилишда фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида баъзи бир муваффақиятлар қўлга киритилганлиги қайд қилиб ўтилди. Масалан, ўтган йил мобайнида тадқиқот лабораторияларида яратилган 78 асар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ўтган йилнинг якунлари ҳақида доклад қилган Ўзбекистон фанлар академиясининг бош илмий секретари Х. Ф. Фозилов, академик У. О. Орипов, академиянинг корреспондент аъзоси Х. У. Усмонов ва бошқалар ишнинг бошқа қатнашчилари практикларга қўл келган ва катта иқтисодий самара берадиган бир қанча ажойиб тадқиқотларни айтиб ўтдилар.

Ядро физикаси институти турли технология процессларини автоматлаштириш имконини берадиган бир қанча радиоизотоп приборлар ясади, чигит тукини тозалайдиган машинани кўплаб ишлаб чиқариш учун топшириди. Бу машина ҳар йили пахтачиликда неча юз миллион сўм маблағни тежайди.

Химиклар пахтакорларга ғўза баргларини комбинациялаштирилган усулда дефолиация қиладиган кучли таъсир кўрсатадиган препаратларни бердилар.

Бироқ, йиғилишда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, илмий тадқиқотларни халқ хўжалигида жорий қилиш ишларининг аҳволи ҳали қониқарли эмас. Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқилаётган проблемаларнинг савияси ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётганлигидан ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Олимлар ўз тадқиқотларининг иқтисодий самарасига тегишли эътибор бермайдилар. Академия системасида кучли тажриба базаси йўқлиги кашфиётларнинг амалда татбиқ қилинишига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш ташкилотларининг айби билан у ёки бу ихтирони жорий қилиш чўзиб юборилмоқда. Бу ташкилотлар фан ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга унчалик қизиқмайдилар ва оператив равишда ишламаётирлар.

Ўзбекистон фанлар академиясининг академиклари Т. Н. Қори-Ниёзов, В. В. Пославский А. Ю. Юнусов, академиянинг Қорақалпоғистон филиалининг раиси М. Нурмуҳамедов, Ботаника институтининг директори С. А. Асқарова, Энергетика ва автоматика институтининг директори М. З. Хамидхонов, Механика институти директорининг ўринбосари А. А. Каримовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш халқ хўжалигига ёрдамни ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган катта қарор қабул қилди.

Етти йиллиknинг учинчи йили учун илмий-тадқиқот ишларининг проблема-тематик плани қабул қилинди. Бу план 113 проблема ва 467 темани ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашди, (ЎзТАГ).

Республика экономикасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина проблемалар — табиий газни рационал ишлатиш ва фойдаланиш, синтетик полимерлар кимёси, рангли металлургия ва бошқа проблемалар бўйича йирик комплекс тадқиқотлар ҳали кенг кўламларда олиб борилмаётир. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари пахтачилик ва ирригация, чўлларни ва ярим саҳро яйловларни ўзлаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш юзасидан Ўзбекистон олимлари зиммасига кўпгина вазифаларни юклайди.

Йиғилишда СССР Фанлар академияси география институтининг директори И. П. Герасимов, Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев, республика фанлар академиясининг академиклари Т. Н. Қори-Ниёзов, В. В. Пославский А. Ю. Юнусов, академиянинг Қорақалпоғистон филиалининг раиси М. Нурмуҳамедов, Ботаника институтининг директори С. А. Асқарова, Энергетика ва автоматика институтининг директори М. З. Хамидхонов, Механика институти директорининг ўринбосари А. А. Каримовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш халқ хўжалигига ёрдамни ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган катта қарор қабул қилди.

Етти йиллиknинг учинчи йили учун илмий-тадқиқот ишларининг проблема-тематик плани қабул қилинди. Бу план 113 проблема ва 467 темани ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашди, (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИНГ МЕҲНАТИ ОЗ, ҲОСИЛИ СОЗ ВА ТАННАРХИ АРЗОН БЎЛСИН!

„Биз қишлоқ хўжалигининг саноат ривожланаётганлиги сингари тез суръатлар билан ривожланмаётганлигини ва аҳолининг эҳтиёжлари ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдирмоқ ва етти йилликнинг қолган беш йили мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таққослаб бўлмаслик даражада тез суръатлар билан ривожланишига эришмоқ учун керакли чораларни кўришимиз зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига ажратилган маблағларга жиддий тузатишлар киргизиш талаб қилинади. Токи иқлим шароитларидан қатъий назар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини зарур миқдорда олиб туриш таъминланадиган бўлсин. Ҳозир бизда бундай имкониятлар бор“.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқидан).

(Область қишлоқ хўжалиги ёшларининг биринчи иқтисодий конференциясидан)

Мамлакатга мўл-кўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берайлик! Меҳнат оз, маҳсулот таннархи арзон ва соз бўлсин!

Область комсомол комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги илғорларининг биринчи иқтисодий конференцияси ана шу шиор остида ўтди. Область партия комитетининг мажлислар залига тўпланган ёш пахтакорлар, чорвадорлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан бениҳоя руҳланганликларини, КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар кучларига-куч қўшганлигини намойиш қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **У. Абдураззоқов** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини камайтиришда область комсомол-ёшларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Конференция қатнашчилари селекционер олимларнинг, тажрибали пахтакор ва чорвадорларнинг мазмунли сўзларини тингладилар. Қандай қилиб мўл ва арзон маҳсулот етиштириш мумкинлиги тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар.

Конференция иккита секцияда иш олиб борди.

Пахтачилик секциясининг қатнашчиларига олимлар томонидан ўқилган бир неча цикл лекциялар ёш пахтакорларни қизиқтирди. Айниқса, ЎзССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти ўртоқ **А. Дадабаев** ибрат бўларли маслаҳатлар берди. У олимларнинг пахтанинг тез ва эрта пишар, вильт касалига чидамли навъини яратиш йўлида қилаётган ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Лекин, — дейди ўртоқ Дадабоев деҳқонларимиз агротехника тадбирларига қатъий амал қилсалар, ҳозирги нав пахталардан ҳам мўл ҳосил олаверамиз. Кўп ҳолларда шундай қилинмайди-да. Мен диққат билан газеталарни ўқиб бораман. Раислар, агрономлар, бригадирларнинг ғўза парвариши давридаги мақолаларида бир гектар еримизда ўртача 80 минг туп ғўзамиз бор, деб доврўг солишади. Амалда эса шунча туп кўчат бўлмайди. Демоқчиманки, гектарларда кўчатнинг нормал бўлиши учун курашиш керак! Ўртача 80 минг туп кўчат бўлса, бу катта гап! Сўнгра ғўзани суғоришда ҳам баъзи хўжаликларда кўпгина агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Ғўза нозик, кун санайдиган ўсимлик. Агар мўлжалдан икки-уч марта ортиқ сув қўйилса, ғўза бўйига зўр беради. Баъзи деҳқонлар буни кўриб, қувониб ҳам қўядилар. Билмайдиларки, у ғўза кўсакдан кўра кўпроқ поя беради.

Конференция қатнашчилари академик ўртоқ **В. Е. Еременко**нинг сўзларини жуда қизиқиб тингладилар. Олим пахтачиликни ривожлантиришда бундан буён фойдаланилиши лозим бўлган катта-катта резервлар ҳақида гапирди ва бу йилги шароитда ерларга яхоб суви бериш ҳосилдорликни оширишдаги энг муҳим омилларидан бири эканлигини уқтирди. Ғўза парвариши даврида, деди ўртоқ Еременко, сувдан ниҳоятда усталик билан фойдаланиш керак. Ирофгарчиликка йўл қўймаслик лозим. Нега деганда, бу йилги қурғоқчилик шуни талаб қилади. Ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, сув омборлари барпо этиш зарур. Ҳозир Сув хўжалиги министрлиги ва илмий-текшириш институтлари ходимлари ерости сувларидан деҳқончиликда фойдаланиш устида иш олиб бораяпти. Улар секундига 300—350 кубометр сув берадиган ва бу сув билан 600—700 минг гектар ердаги экинлар суғорилишини таъминлайдиган режалар устида иш олиб бормоқдалар.

Ўртоқ Еременко пахтачиликни ривожлантиришда олмашлаб экишнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Шунингдек, у маҳаллий ва минерал ўғитлардан яхши фойдаланиш ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

— Фарғона ва Бухорода яқин йиллар ичида азот заводлари қурилиши мўлжалланмоқда, — деди олим. — 1965 йилга бориб, ҳар гектар ерга солинадиган азотнинг миқдори 152 килограммданга, суперфосфатнинг миқдори 95 килограммданга кўпаяди. Мана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга оширишда энг муҳим воситаларидир.

Иқтисод фанлари кандидати ўртоқ **Нурматовнинг** «Пахтачиликда комплекс механизацияни қўлланиш ва унинг иқтисодий афзалликлари», ЎзССР қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг сектор мудирлари **А. Ортиқов, Глиняний** ва бошқа ўртоқларнинг область колхоз ва совхозларида пахтанинг таннархини арзонлаштириш резервлари ва меҳнатни ташкил этиш масалалари тўғрисида қилган докладларидан ҳам конференция қатнашчилари кўп нарсаларни билиб олдилар.

Музокараларда трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари, агрономлар, экономист бухгалтерлар, совхоз директорлари қатнашдилар.

Сирдарё районидаги «Малик» тажриба хўжалигининг директори ўртоқ **Бочкарев** ўз хўжалигида механизациядан тўла ва унумли фойдаланаётганликлари туфайли пахтанинг таннархи йилдан-йилга камайиб бораётганлигини сўзлади.

— Бизнинг совхозда, — деди ўртоқ Бочкарев — 1959 йилда 75 процент ердаги ҳосил машиналар ёрдамида териб олинган эди. Ўтган йили 80 процент ҳосил хирмонга машиналар бункеридан тўкилди. «Дружба», 2-«Боёвут» каби қатор хўжаликларда бир центнер пахта учун 250—260 сўмдан сарф қилинаётганлиги ҳолда, бизнинг хўжалигимизда бир центнер пахта етиштириш учун 135-140 сўм сарфланмоқда, холос. Бунга биз чигит экишдан тортиб, то пахтани териб олишгача бўлган ишларни механизациялаштириш, ҳосилни қабул пунктларига қоп-қанорсиз прицеплар орқали етказиб бериш туфайли эришмоқдамиз.

— Ўтган йили колхозимизда пахта тайёрлаш плани 124 процент бажарилди, — дейди Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг агрономи ўртоқ **Умар Йўлдошев**, — комплекс механизацияни, агротехниканинг илғор усулларини кенг жорий қилганлигимиз туфайли бир йилнинг ўзидаёқ гектаридан олинган ҳосил 5,2 центнерданга кўпайди. Давлатга 850 ўрнига 952 тонна пахта топширдик.

Бир центнер пахтанинг таннархи 92 сўм 40 тийинни ташкил этди. Турсунойчи механизаторимиз Хурбуви Абдуқодирова 205 тонна пахта терди. Бу йил 760 гектар ерга чигит экамиз. Шундан 500 гектар ерга режа сими тортиб квадрат-уялаб экамиз. 120 гектар ерга уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялка билан экамиз. Бу ҳосилдорликни ошириш билан бирга, арзон пахта етиштириш имконини беради. Ҳозир бу соҳада тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Шудгорлаш сифатли бўлди. Техникани ремонт қилиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини 1 февралгача тугаллаймиз.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ **Р. Бердиев** ҳар гектар ердан қандай қилиб 64,5 центнердан ҳосил олганлигини сўзлаб берди. Шунда конференция қатнашчиларидан бири академик Еременкога савол берди.

— Ҳар гектар ердан 65 — 70 центнердан ҳосил олинган бригадалар ва звеналар тўғрисида эшитамиз. Шу реал кўрсаткичми?

Минбарга кўтарилган **В. Е. Еременко** бундай дейди:

— Аввало бундай тарзда савол бериш меҳнатнинг самарасига ишонмасликдир. Биз олимлар тажриба қилиб кўрганимизда, ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил олинганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Пахта кўп меҳнат талаб қиладиган, нозик ўсимлик. Парваришини ўрнига қўйсангиз, ҳосил мўл бўлаверади.

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи механик-ҳайдовчи **Мария Ковалева** машина теримига яхши шароит яратиб бермаганликлари учун колхоз правлениесини танқид қилди.

— Машина теримига ажратилган 150 гектар ердан 60 гектаригина машинада терилди. Негаки, ғўза парваришида камчиликларга йўл қўйилди, машина теримига мослаб ўстирилмади, ўт босди. Буларнинг ҳаммаси теримнинг чўзилиши, пахта таннархининг қимматлашиб кетишига олиб келди. Бу йил ана шу камчиликларнинг такрорланмаслиги учун курашамиз. 150 гектар ердан 30 центнердан ҳосил оламиз. Бир центнер пахтанинг таннархини 90 сўмдан оширмаймиз.

— Колхозларда маҳсулот таннархининг қиммат бўлишига сабаблардан бири, — дейди Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг бош бухгалтери ўртоқ **Тошпўлатов**, — пудратчи ташкилотлар оз иш бажариб, кўп ҳақ оладилар. Ариқ-зовурларнинг тозаланиши, дезинфекция ишлари учун кўп маблағ сарф бўлади. РТСларни айтмайсизми?! Улар юборган экскаваторлар ер текислашда қатнашганликлари учун кўрагидан ортиқ ҳақ оладилар. Шунингдек, арзимаган ремонт ишлари учун ҳам кўп пул тўлашга тўғри келади. Нега шу ишларни колхоз экономикасини ҳисобга олган ҳолда планлаштириш мумкин эмас?

«Оққўрғон» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Алижонов** ҳам сўзлади.

— Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштирган бўлсак ҳам, — дейди у, — маҳсулот таннархини арзонлаштириш тўғрисидаги сўзимизнинг уддасидан чиқа олмадик. Бир центнер пахта 80 сўмга тушди. Бу йил илгариги ҳосилдор ерларимизни қолдириб, қолоқ участкага ўтамиз. Бу ерларда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашамиз.

Пахтачилик секциясининг қатнашчилари иккинчи куни Янгийўлдаги суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтида бўлдилар. Институтнинг директор ўринбосари ўртоқ **Ганнев** конференция қатнашчиларига олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари ҳақида гапириб берди. Сўнгра ёш пахтакорлар институтнинг қишлоқ хўжалиги машиналари виставкаси залида бўлиб, янги машиналар билан танишдилар.

Ўрта Осиё машина-синаш станциясига қилинган экскурсия ёш пахтакорларда катта таассурот қолдирди. Станция директори ўртоқ **И. Мелешко** пахтакорларга қимматли маслаҳатлар берди.

— Пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаштирамиз, техника оғиримизни енгил қилаяпти, деб айтамиз-ку, техникадан тежаб-тергаб фойдаланмай, кўп ҳолларда маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетганини билмай қоламиз. Бир киши бажариши мумкин бўлган ишга 3 — 4 киши ажратилади. Масалан, экиш агрегатининг составини олиб кўрайлик. Тракторчидан ташқари бир сеялкачи ҳам бўлади. Унинг вазифаси қийин эмас: агрегат устида туриб, чигитнинг тушаётганлигини кўздан кечириб боради. Агарда чигит тушмай қолганлигини кўрса, дарҳол тракторни тўхтатиб, ишни тўғрилайди. Шуни тракторчининг ўзи ҳам қила олмайдими, унинг ўзи вақти-вақти билан ориқа томонига қараб кўйиб, чигитнинг тушишини кузатиб турса бўлади-ку. Радиаторга сув солиш учун ҳам бир кишини ажратадилар. Сувни ҳам тракторчининг ўзи қуйса бўлмайдими?

Ер текислашда ортиқчаликларга йўл қўйилади. Кўп жойларда ерни машина ёрдамида текислайдиларда, яна унинг орқасидан 5 — 10 кишининг қўлига кетмон бериб, чаласини текислатадилар.

Машина теримида механизатор хушёр бўлса, ғўза теримга мослаб ўстирилган бўлса, агрегат ҳеч вақт кишини уялтирмайди. Бир хил тракторчилар бор, агрегатнинг қабул камераси ифлосланганлигини сезган заҳотиёқ, у камчиликни бартараф қилмайди. Картанинг четига чиқсин, кейин тозалайман деб, ишини давом эттираверади. Натижада камера яна ҳам ифлосланади, то картанинг бошига чиққанча нормал ишламаганлиги туфайли пахталарни тўкиб ифлослантиради. Буни кўрган бригадир ҳамма айбни машинага қўймоқчи бўлади.

Тракторчининг масъулиятини ошириш керак. Ер текислаш ва шудгорлаш ишларини бир йўла ўтказса бўлади.

Мен яна баъзи бир нарсалар тўғрисида айтмоқчиман. Аввжи иш қизғин пайтларида далада юрган кишби, агрегатларнинг ишини кузатганида пайқагандир. Тракторларнинг моторидан доимо мой томиб ётади. Бизнинг станциядаги ишни кузатинг, бундай ҳолни кўрмайсиз. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, ҳамма тракторлардан мой оқиб кетаверса, қанча ёқилғини йўқотган бўламиз.

Шунинг учун тракторнинг қисмларини мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Техникадан фойдаланишда ирофгарчиликка йўл қўймайлик. Сафимизда шундай тракторчилар йўқ эмас, машиналари бузилиб қолгудай бўлса, янги детални қўядилар-да, эскисини дуч келган жойда қолдириб кетаверадилар.

Сеялкаларни ишлатгандан кейин, уни сақлай билиш керак. Шунда келаси йили унн капитал ремонт қилишнинг ҳожати бўлмайди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ маблағини, давлат маблағини тежаш имкониятини беради

Станция трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. Тюпко** ҳам ўз тажрибалари ҳақида гапириб бериб, жуда яхши шиорни ўртага ташлади.

— Бригада бошлиғи механизатор бўлсин, техникани яхши билсин, — деди у, — бўлмаса ўз қўл остидаги тракторчилар нима деса, шунга кўниб кетаверади. Чунки уларнинг камчилигини тополмайди-да. Сўнгра, ҳисоб-китобни яхши йўлга қўйсин. Кунига нима иш қилинаяпти, қайси ишни бажаришга қанча меҳнат кўни сарф бўлаяпти, шуларни аниқ ҳисобга олиб бормаса, кузда қийналиб қолади.

Пахтачилик секциясининг қатнашчилари Янгийўлдан катта таассуротлар билан қайтдилар.

Ёш чорвадорлар секциясида ҳам чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, ёғ, тухум маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш масалаларига оид доклад ва музокаралар бўлди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мудири **Катлер**нинг «Тошкент области колхоз ва совхозларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтириш», ЎзССР Фанлар академияси чорвачилик институти паррандачилик бўлимининг мудири **Рибина**нинг «Ёш паррандаларни гўштга боқиб семиртириш» тўғрисидаги докладлари айниқса қизиқарли бўлди.

Музокараларда сўзга чиққан чўпонлар, сут соғувчилар, парранда боқувчилар етти йилликнинг учинчи йилидаги режалари билан, тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Поликотлед» колхози комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ким Григорий** Ли Любовь бошлиқ маккажўхорикор бригада аъзоларининг иши ҳақида гапирди. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 90 центнердан дон ҳосили олди, 1800 центнердан кўкпоя ўрилди. Шундай қилиб, бригада колхозга 2 миллион сўм даромад келтирди. Бир тонна силос эски пул ҳисобига 25—30 сўмга тушди. Бу йил бригада аъзолари ҳар гектар ердан 100 центнердан дон, 1900 центнердан кўкпоя олиш учун бел боғладилар.

2-«Оҳангарон» совхозининг паррандачилик бригадаси бошлиғи Цойнинг тажрибалари конференция қатнашчиларини қизиқтирди.

— Мен, — деди у, — 1949 йилдан буён паррандачилик билан шуғулланиб келаман. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин совхозимизда паррандачиликни ривожлантиришга катта эътибор бераётибмиз. Ўтган йили давлатга 110 минг дона тухум топширилди. 3 гектар ернинг атрофини ўраб, товуқхона ташкил қилган эдик. Бу ерда 20 минг товуқ боқилиб, шундан 91 процентн сақлаб қолинди. Давлатга гўштга топширилган товуқларнинг ўртача оғирлиги 900 граммни ташкил этди.

Бу йилги режаларимиз катта. 120 минг тухумни очиришга кўямиз. Шунингдек, 42 минг паррандани гўштга боқамиз. Булардан кам деганда бир миллион дона тухум оламиз.

«Мирзачўл» совхозининг товуқбоқари **Усеинова** ҳам совхозда паррандачиликни ривожлантириш режалари тўғрисида гапирди.

«Бўка» совхозининг чўчқабоқари **Николай Иванович Иовлев** ёшларга ибрат бўларли ишларни қилган.

— Мен икки йилдан буён шу соҳада ишлайман, — дейди у, — ўтган йилнинг бошларида раҳбарларимиз билан ўзаро маслаҳатлашиб қолдик. Шунда чўчқахонани қайта қуриш фикри ўртага ташланди. Бу вазифани мен ўз бўйнимга олдим. Мавжуд чўчқахона қайта қурилиб, чўчқалар группа усулида боқишга мослаштирилди. Аввллари 400 бош чўчқа боқилган эди, мувофиқлаштирилгандан кейин 600 бош сиғди.

Илгари икки киши боқардик, хоналар ўртасига ўзи озиқлантиргадиган яшиклар ўрнатилиб, водопровод келтирилгандан кейин иш осонлашди. Менинг бир ўзим ҳамма ишни бажарабошладим. Шундай қилиб, ўтган йили мажбуриятимдги 1000 бош ўрнига 1190 бош чўчқани бўрдоқига боқиб, давлатга топширдим.

Энди чўчқаларни озуқа билан таъминлаш масаласида баъзибир гапларни айтмоқчиман. Кимки арзон гўшт етиштираман деса, ўз хўжалигида чўчқалар учун керакли озуқа етиштирсин. Биз шундай қилмоқдамиз. Бунинг учун махсус ер ажратилган. У ерда беда, лавлаги ва бошқа ем-хашак учун мос экинлар экилади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқини диққат билан ўрганиб чиқаяпмиз. Ўртоқ Хрушчев жуда тўғри гапни айтибди. Маккажўхори билан бирга, қанд лавлагини кўпроқ экиш керак, унинг барги ҳам, ўзи ҳам чорва учун қиммати озуқа бўлади. Биз бу маслаҳатларга амал қиламиз. Чорва учун кўплаб қанд лавлаги экамиз. Бу, етиштирилаётган гўштнинг таннархини арзонлаштиришимизни таъминлайди. Ўтган йили бир центнер чўчқа гўштининг таннархи 467 сўмга тушди. Семиртириш ҳисобига етиштирилган бир килограмм чўчқа гўшти учун 6,2 озуқа бирлиги сарф бўлди. Бу йил юқоридаги кўрсаткичларнинг янада яхши бўлишига эришиш учун курашаман.

Конференция қатнашчилари ўз хўжаликларида, бутун областда қишлоқ хўжалигининг янада юксалтирилишига муносиб ҳисса қўшишга, оз меҳнат сарф қилиб, мўл ва арзон маҳсулот етиштиришга аҳд қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кенгин ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш, шу йўл билан жаҳонгир партиямизнинг навбатдаги XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш борасида тинмай кураш олиб боришга ваъдойдил бел боғлагаликларини билдирдилар.

Конференция ишида область партия комитетининг секретари ўртоқ **Э. Шайхов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Танаффус вақти. Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозининг илғор чўпони Айдарбек Қўшкинбоев конференция қатнашчиларига ўз режалари ҳақида гапириб бермоқда.

Суратларда: Конференция қатнашчиларидан бир группаси (чапдан). 3-«Боёвут» совхозининг теримчиси Гулсум Илёсова, Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозининг ферма мудири Тожиевой Худойбердиев, Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Насиба Эргашева, Чиноз районидаги «ЎзССР 30 йиллиги» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи Фикрет Сефершаев, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси Насиба Шамсиева, Пискент районидаги Калинин номли колхоз механизатори Темир Каримов, Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг механик-ҳайдовчиси Насиба Султонхўжаева, «Мирзачўл» совхозининг товуқбоқари Рафиқа Усеинова ўртоқлар.

В. Салов ва М. Комлев фотолари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 29 ЯНВАРЬ, 1961 ЙИЛ.

Халқаро аҳвол

СЕКУ ТУРЕ—ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

КОНАКРИ, 27 январь. (ТАСС). Бугун миллат мажлиси биносида Секу Турени Гвинея Республикасининг президенти деб эълон қилиш маросими бўлди.

Секу Туре расмий равишда республика президенти деб эълон қилинди ва шу муносабат билан таъсис этилган «Халққа садоқат» ордени билан мукофотланди.

Тантанали маросимда Мали Республикасининг президенти Модибо Кейта, Либерия Республикасининг президенти Уильям Табмэн, Гана давлат министри Ходжо Ботсио, шунингдек Того, Нигерия ва Сьерра-Леоне делегациялари ҳозир бўлдилар.

Эълон қилинган маълумотларга қараганда, президент сайловларида рўйхатга олинган 1.586.544 сайловчидан 1.576.580 киши Секу Турени ёқлаб овоз берган.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА ЗАБАСТОВКАЛАР

АНГЛИЯ

1960 йил мобайнида Англияда 2.814 забастовка ўтказилган. Бу миқдор 1959 йилдагига нисбатан 709 забастовка кўпдир. Ўтган йили забастовкаларда жами 811.000 киши қатнашган. (1959 йилда 646.000 киши қатнашган эди). Кўмир, машинасозлик, автомобиль ва металл ишлаш саноатларида айниқса кўп забастовка бўлган.

1960 йил давомида инглиз ишчиларидан 11 миллионга яқин киши ўз курашла ҳафталик иш ҳақи ставкаларининг жами 4.250000 фунт стерлинг миқдорида оширилишига эришдилар. Ишчилардан 6.750.000 га яқин киши иш ҳафтасининг узунлиги ўрта ҳисобда қарийб икки соатга камайтирилишига эришдилар.

ГОЛЛАНДИЯ

1960 йилда Голландияда 121 марта забастовка бўлган. Забастовкаларда 80 мингга яқин киши қатнашган. Бу миқдор 1959 йилда забастовка килганларнинг сонидан 10 баравар кўпдир.

ГРЕЦИЯ

Ўқитувчилардан 30 мингдан ортиқ киши 26 январда 24 соатлик забастовка бошлади. Маъмурлар бу забастовкани дўқ-пўписа йўли билан барбод қилишга урининг кўрдилар, лекин уларнинг уринишлари муваффақиятсиз бўлди. Бутун Грецияда бошланғич мактаблар ва гимназиялар ёпиб қўйилган. Забастовкачилар иш ҳақининг оширилишини ва ҳукуматнинг маориф системасига ёрдам беришини талаб қилмоқдалар.

ГАМБИЯ

26 январь куни полиция Англиянинг Гамбия протекторатида (Ғарбий Африка) забастовка қилган ишчилар намойишини тарқатиш вақтида кўздан ёш оқизадиган газ солинган бомбалар ва калтакларни ишга солган.

Иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилаётган Гамбия ишчилари Гамбия меҳнат федерациясининг чақириғига мувофиқ ишларни тўхатиб қўйдилар. Корхоналарнинг кўпчилиги тўхтаб қолди. Батерст портида юк ортиш-туширш ишларининг ҳаммаси тўхтатилган.

Ишчилар забастовка эълон қилганликлари муносабати билан Гамбия губернатори вазифасини вақтинча ижро этувчи намойишлар ўтказилишига йўл қўймаслик ва оммавий йиғилишларни тарқатиб юбориш ҳақида полицияга буйруқ берган. Аммо 26 январь куни ишчилар колонналари Батерст кўчаларидан денгиз бошқармаси томон ўтиб бордилар. Инглиз маъмурлари ишчи колонналарига қарши полиция отрядларини юбордилар. Улар кўздан ёш оқизадиган газ солинган бомбалар ва калтаклар билан намойиш қатнашчиларини тарқатиб юборишган.

ПАНАМА

Панамада банан плантациялари ишчиларининг забастовкаси давом этмоқда. Бу забастовка Американинг «Юнайтед Фрут» компанияси иш ҳақини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ва ишчиларни таъқиб қилишни давом эттираётганлиги муносабати билан эълон қилинган эди.

ЯПОНИЯ

Кюсю оролидаги Каидзима кўмир шахтаси ишчиларидан 6.200 дан кўпроқ киши иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, 25 январь куни икки соатлик забастовка ўтказдилар. Шахтёрлар маъмуриятларини ишчиларни қўлбўш ишдан бўшатишни кўзда тутган ишлаб чиқаришни рационализациялаштириш планларининг бекор қилинишини ҳам талаб қилдилар.

Япониядаги Америка қўшинларига хизмат кўрсатадиган умум Япония ишчилар касаба союзи 26 январь куни бутун мамлакатда учинчи марта бир соатлик забастовка ўтказди. Шу касаба союзига кирган ишчилардан 34 минг киши иш ҳақининг 3 000 иенага оширилишини талаб қилмоқдалар.

Япониядаги Америка қўшинлари қўмондонлигининг штаби жойлашган Футю базасида ишчилар муҳлатсиз забастовка бошладилар. Эрталабдан ишчилардан 3 мингга яқин киши база территориясига кириш йўли олдида пикетлар қўйиб, шу районда транспорт ҳаракатини тўхатиб қўйдилар. Базага етиб келган полиция отряди пикетчилар линиясини куч билан ёриб ўтган. Забастовка қатнашчилари норозилик митинги ўтказдилар. (ТАСС).

Вашингтонда қор бўрони

ВАШИНГТОН, 27 январь. (ТАСС). Америка пойтахтида 26 январь кундузи қор бўрони бошланди. Метеорологлар, бу бўрон натижасида Вашингтон кўчаларини ўн сантиметрдан кўпроқ қалинликда қор қоплайди, деб кутмоқдалар.

Туркиянинг шимолий қисми ҳамда Совет Озарбайжони ва Арманистонининг жанубий районлари кенглигида жойлашган Вашингтон учун бундай қор бўронлари бутунлай одатдан ташқари ҳодисадир. Америка пойтахти бундай кўп қор ёғишига сира тайёрланмаган, шунинг учун ҳам шаҳар маъмурларида қорни тозалайдиган ҳеч қандай восита деярлик йўқ.

Шу қор бўрони муносабати билан ҳукумат ўзининг ҳамма муассасаларида ишни вақтидан илгари тўхатиш тўғрисида фармойиш берди. Шаҳардаги кўп магазинлар ёпилди. Радио Вашингтоннинг чеккасидаги аҳоли яшайдиган районларга борувчи катта кўчаларда транспорт тиқилиб қолганлиги тўғрисида хабар бермоқда ва автомашиналарнинг эгаларини жуда зарурият бўлмаса, ўз уйларидан чиқмаслик тўғрисида огоҳлантирмоқда. Шаҳар кексалари, Америка пойтахтида 1919 йилдан бери шундай қаттиқ қишни кўрмаган эдик, деб айтмоқдалар.

АМЕРИКА УЧУВЧИЛАРИ АҚШГА ЕТИБ КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 27 январь. (ТАСС). «РБ-47» самолётидаги икки Америка учувчиси Ф. Олмстед ва Д. Маккоун Совет Иттифоқи томонидан озод қилинганидан кейин бугун Вашингтон яқинида жойлашган Эндрюс ҳарбий-ҳаво базасига етиб келди. Уларни АҚШ президенти Жон Кеннеди ва уларнинг яқин қариндошлари кутиб олдилар.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

✦ Франция умум меҳнат конфедерацияси Бельгия меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш учун қарийб 15 миллион эски франк билан маблағ топширди. Умум меҳнат конфедерацияси Франция меҳнаткашларини бельгиялик қардошлар билан бундан кейин ҳам бирдам бўлишга чақирди.

✦ Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носирнинг таклифига биноан Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Генрих Рау Қоҳирага келди.

✦ Ғарбий Германияда Боннинг мамлакатни қайта қуроллантириш ва бундесверни атом-ракета қуроли билан қуроллантириш сиёсатига қаршилик кўрсатишни бўғиб ташлашга қаратилиб, кўплаб кишилар яна қамоққа олина бошланди. Гамбургда йигирма киши камоққа олинган.

✦ Хоккайдода, Хонсюнинг шарқи-шимолий қисмидаги Тохоку районида ва Японияннинг бошқа бир қанча жойларида жуда кўп қор ёғди. Бунинг натижасида мамлакатнинг кўпгина магистралларида поездлар қатнови бузилган. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
4-БЕТ, 29 ЯНВАРЬ. 1961 ЙИЛ.



Ўрта Осиё Политехника институти энергетика факультетининг студентлари шу кунларда Ўзбекистон ССР фанлар академияси энергетика ва автоматика илмий-текшириш институтида ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар. Суратда: (чапдан) илмий муассасанинг младший илмий ходими А. Иброҳимова студентка Х. Йўлдошевага юқори кучланишли каскад тўғрисида тушунча бермоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Тошкент энгилликлари

ЯНГИ КИНОТЕАТРЛАР ҚУРИЛАДИ

Пойтахтимизда кинотеатрлар сони йилдан-йилга кўпайиб, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш яхшиланаётир. Ҳозир шаҳарда учта кенг экранли, 36 та қишлик ва ёзги кинотеатрлар меҳнаткашлар хизматида. 1961 йилда кинотеатрлар тармоғини янада кенгайтириб, тамошабинлар талабини тўлароқ қондириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

«Дружба» кинотеатри биринчи залидаги оддий экран ўрнига кенг экран монтаж қилинмоқда. Чиланзор массивида ва Болгарские огородида 800 тамошабинга мўлжалланган иккита кинотеатр бу йил ишга туширилади. Немирович-Данченко кўчасида қурилаётган 400 ўринли кинотеатр битиш арафасида турибди. Келесда қад кўтараётган 300 ўринли кенг экранли кинотеатр эса шу йилнинг август ойида тамошабинларга хизмат кўрсата бошлайди. Ленин районидаги 8-Март кўчасида ҳам 800 тамошабин сиғадиган катта кинотеатр қуриш планлаштирилди.

Сабзи тўғрайдиган асбоб

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси уй-рўзғор учун зарур бўлган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини кўрмоқда. Саноат бошқармасининг конструкторлик-технология бюроси мутахассислари яқинда гўшт қиймалагичга ўхшаб сабзи ва пиёз тўғрайдиган асбоб яратдилар.

Бу янги асбоб уй-рўзғор ишларида аёлларимизга айниқса қўл келади. Сабзини гозалаб асбобга солиб айлантирсангиз, у бир пасда паловбоп қилиб тўғраб беради. Бу асбобда икки минутда бир килограмм сабзини, бир соатда эса 20 килограмм сабзини тўғраш мумкин. Фойдаланишга жуда қулай бўлган бу асбобда пиёз ва картошка ҳам тўғраса бўлади. Бу асбоб яқиндан бошлаб оммавий равишда ишлаб чиқарилабошлайди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида газмолларнинг янги-янги чиройли хиллари ўзлаштирилмоқда. Бу ишда корхонанинг рассомлари намунали меҳнат қилмоқдалар. Суратда: (ўнгдан) колорист М. Панфилов, рассомлардан М. Фисина, В. Ишченко ва Л. Чеховская ўртоқлар газмолларга ишланган янги расмларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

Телевизор экранида

29 ЯНВАРДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».
12.20. Бадиий фильм — «Икки капитан».
13.55. Инглиз тилидан 13-дарс (ўзбек тилида).
14.25. Маданият телеуниверситети. «Симфоник музика жанри» (ўзбек тилида).
18.30. Болалар учун кинофильм.
18.50. Сўнгги ахборот.
19.10. Катталар учун мультфильм — «Учинчи сон Крокодил».
19.20. Бадиий фильм — «Улар биринчилардан эди».
20.50. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбек тилида).
21.50. Эстрада концерти.

ФЕЛЬЕТОН

ҚУЙЛИҚ ФРИБГАРЛАРИ

Қўйлиқ посёлкасида истиқомат қилаётган эр-хотин Ким Бен До билан Тё Сун Ай қизғончиқлик ва хасисликда ном чиқариб, шуҳрат қозонишган. Ҳамма уларни маҳалланинг Қори Ишкамбаси ёки Қизғончиқ Рицари деб аташади. Табиатан очкўз бўлган бу эр-хотинлар ёлғиз бошларига қўша-қўша участкалар солиб олганлар, катта саройлар, дон сақланадиган омборлар қурганлар.

Икковини ҳам ғирт текинхўр деб атаса бўлади, негаким бир неча йилдирки ҳеч жойда ишламай, гурунч бозори атрофида хира пашшадай айланиб, кишилардан «ризқини» юлиб-юлқиб, бойлик тўплашади.

Ўтган йили пул алмашармиш деган гап тарқалганда иккови ҳам бирданига ҳушидан кетди. Қўйлиқшнилар ҳар қанча дори-дармон қилсалар ҳам бўлмади. Шунда бир ақилли одамнинг маслаҳати билан пул ҳидлатишган эди, биринчи бўлиб Ким Бен До бошини кўтарди:

— Сандиқни ким очди?— деди у ранги-қути ўчиб.

Шу пайт ўзига кела бошлаган хотини:

— Кассага ўт кетдими?! — дея ингради.

Эртасига эрталаб эр-хотин иккови маслаҳатга ўтирдилар. Аввал чарчагунча уҳ тортишди, оҳ-воҳ чекишди:

— Хонамиз куядиган бўлди, онаси, — деди эр.

— Бунча ташвишланманг, дадаси, — деди хотин.

Пулни қайта бошдан санаб чиқишди. Санаб чиқишди-ю бир-бирларига тикилиб, безгак тутгандек дағ-дағ қалтирай бошлашди.

— Газмол ғамлайликми? — деди Тё Сун Ай юрак бағри эзилиб.

— Чириб қолади, — бош чайқади эр.

— Бўғдой олайлик-ми?

— Ҳукуматнинг ўзида сероб.

— Мол-қўй олайлик-ми?

— Ўлиб қолади.

— Гурунч олайликми?

— Энди ўзингга келдинг! — қувончдан Ким Бен Доннинг кўзлари чақнаб кетди.

Қарор шу бўлди: бор пулга гурунч олиб ғамланади, омборлар тўлдириб ташланади, янги нарх қарор топгач, юқори баҳо билан уриб сотилади. Беллар маҳкам боғланди. Эр қўлига тупириб ҳам олди. Бозорга чиқдилар. Дуч келган деҳқонни илондек авраш бошланди. Ким Бен До пайтдан фойдаланиб бозорда миш-миш гаплар ҳам тарқатди:

— Бир ҳафтадан сўнг гурунч кепак баҳоси бўлармиш.

— Бирмадан юз минг тонна гурунч келаётган эмиш.

— Бу йилги гурунчларда иллат бор эмиш...

Ким Бен До харид қилиш билан бирга «ташкилий» ишлар билан ҳам шуғулланди: ўзининг икки омборини капитал ремонтдан чиқариб, янгитдан яна бир омбор ҳам солдирди. Ана шундан сўнг десангиз машинада, аравада кетма-кет келган гурунчлар омборларга «қўйилабошлади»

— Қанча бўлдийкин? —сўради эр.

— Ўн тонна, — жавоб берди хотин.

— Ҳали ҳеч нарса бўлмабди.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим...

Қўйлиқ бозори қолиб, энди ўзларини Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ район бозорларига уришди, қаерга бош суқинса, ана ўша ерда миш-мишларни авж олдириб юбордилар.

— Қанча бўлдийкин? —яна сўради эр.

— 15 тонна, — жавоб берди хотин.

— Яна оламиз-ми?

— Бўлмасам-чи...

Гурунч 19 тоннага етганда омборлар тўлиб, эр-хотин яна ўйланиб қолдилар. Ўйлай-ўйлай сақлаши ўнғай бўлади-ку, деган фикр билан шоли олиб босишга қарор қилишди. Ҳозирча бу икки очкўз ўз ишлари билан шуғулланиб турсунлар, биз пайтдан фойдаланиб текинхўрликда уларни бир чўқишда қочирадиган Сон Нам Сон ҳақида икки шингил сўзлаб берайлик.

Бектемирда яшайдиган бу учар ҳам бир неча йилдирки ҳеч жойда ишламай, Эшматнинг дўпписини Тошматга, Тошматникини Эшматга кийгизиб умр кечиради. Унинг Приморский ўлкаси билан Тошкент ўртасида бўзчининг мокисидек бориб келиб турадиган одати ҳам бор. Сўнгги бор борганида чакана нархи 70—80 минг турадиган «Жень шень» ўсимлигининг илдизи билан кийик шохи келтирди. Келасолиб ўзини гурунч бозорига урди-ю, ҳаммаёқнинг чангини чиқариб юборди. Бу пулдор бойвачча ҳам тонна-тонна гурунчларни ўз омборига тўкиб олди.

Эр-хотин Ким Бен До билан Тё Сун Ай ҳам, пих ёрган Сон Нам Сон ҳам эл-юрт бойлигини ўз ўларига ташиб, нарху-наво кўтарилишини мушук сичкон пойлагандек пойлаб ётдилар. Нарх кўтарилмади. Аксинча арзончилик, маъмурчилик келган жойидан бошланиб кетди. Нафси ёмон ҳайитда ўлар деганларидек, қора ниятли чайқовчилар ҳам танг аҳволга тушиб қолдилар, эл-юрт олдида шарманда-ю шармисор бўлдилар. Зотан, текинхўрнинг қисмати бундан ортиқ бўлмайди. Район прокуратураси нафсига ўт тушган бу писмиқларнинг танобини тортиб қўяди, бунга шубҳамиз йўқ.

Ҳ. ТЎХТАБОЕВ,
Оржоникидзе райони.

Тошкент шаҳар сиёсий маориф уйи область ва шаҳар сиёсий маориф уйига айлантирилди

Область партия комитетининг бюроси Ўзкомпартия Марказий Комитети бюросининг қарорига биноан қишлоқ район партия комитетларининг сиёсий маориф кабинетларига ва пропагандистларга конкрет ёрдам беришни кучайтириш, пропагандистлик ишидаги ижобий тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштиришни яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар сиёсий маориф уйини область ва шаҳар сиёсий маориф уйига айлантирди.

Область ва шаҳар сиёсий маориф уйининг адреси: Сталин кўчаси, 37-уй.

Ўзбекистон ССР Журналистлари союзида

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Бухоро ва Андижон областлари ҳамда Тошкент шаҳри газета ходимларидан бир группаси Союз аъзолигига қабул қилинди.

Президиум бадиий фотография бўйича республика виставкасининг якунларини муҳокама қилди ва «Етти йиллик амалда» деган Бутуниттифоқ виставкасига тайёгарлиқни кучайтириш тадбирларини белгилади.

Президиум радио ва телевидение, публицист-танқидчилар ва репортаж ижодий секцияларини тузишга қарор қилди. (ЎзТАГ).

ҲОДИСА

Дружиначининг ҳушёрлиги

Мирзачўл бозори дам олиш кунлари айниқса гавжум бўлади. Атрофдан кўпчилик магазин ходимлари шу куни бозорга келиб савдо қиладилар.

Ленин сельпосига қарашли магазин мудири Абдураҳмонова ҳам дам олиш кунларининг бирида шу бозорда савдо қилмоқда эди. У ҳамма келтирилган молларни харидорларга кўрсатиш учун ёйиб қўйибди. Одам кўп, биров уни, биров буни олмоқда. Шу вақт кишилар орасидан суқилиб бир киши ҳалиги ёйиб қўйилган моллар олдига яқинлашади ва ҳар бир метри 40 сўм турадиган бир рулон материални барига яшириб, аста прилавкадан узоқлаша бошлайди. Буни ҳушёр дружиначи Ҳасанов кўриб қолади ва дарҳол эгри қўлни ушлайди. Унинг исми-шарифи Муравьев Алексей Иванович экан.

— Мен буни магазиндан сотиб олдим, — деб алдамоқчи бўлади у. Аммо Ҳасанов бўш келмади. У ўғрини Абдураҳмонова олдига олиб боради. Сотувчи дарров ўз молини танийди.

Ўз қилмишига иқрор бўлган Муравьев жиноий жавобгарликка тортилди. Гулистон район милиция бўлимининг бошлиғи дружина аъзоси А .Хасановга ташаккур билдирди.

А. МИРПУЛАТОВ.

ҲАМЗА ЮБИЛЕЙИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

28 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов раислигида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейини ўтказувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия аъзолари мамнуният билан қайд қилдиларки, Москвада Союзлар уйининг Колонна залида Ҳамза туғилган кунининг етмиш йиллигига бағишланган кеча катта муваффақият билан ўтди ва совет халқлари дўстлигининг ёрқин байрамига айланди.

Ўзбекистонда юбилей кунларининг программаси мароқли ва хилма-хилдир. 7 февралда шоир туғилган Қўқон шаҳрида юбилейга аталган илмий сессия бўлади. Ундан бир кун илгари бу ерда Ҳамзанинг адабиёт музейи очилади. Сессия қатнашчилари — танилган ёзувчилар ва олимлар сўнгра катта адабиёт кечасини ўтказиш учун Ҳамзаободга жўнайдилар. Республиканинг ҳамма область марказларида худди шундай кечалар ўтказилади.

Шу кунларда республика ва область газеталари, радио ва телевидение кўпгина материалларни Ҳамза ижодига бағишламоқдалар. 8 ва 9 февралда Тошкентдаги «Искра» ва «Ватан» кинотеатрларида ўзбек ва рус тилларида чиқарилган Ҳамза ҳақидаги янги фильм жамоат кўргидан ўтказилади.

11 февраль —юбилейнинг якунловчи кундир. Эрталаб Округ офицерлари уйи биносида Ўзбекистон Фанлар академиясининг катта илмий сессияси очилади. Театр майдонида китоб ярмарканси ишлай бошлайди. Навоий номли опера ва балет театри залларида ўзбек халқи ажойиб фарзандининг ижодига ва революцион фаолиятига бағишланган виставка очилади.

Кечқурун театр биносида Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари вакилларининг шонли кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлади. Йиғилишда қардош республикалардан келган меҳмонлар қатнашади. Йиғилиш Ҳамза асарларидан тузилган концерт билан тугалланади. Концертда Ўзбекистон санъатининг энг яхши усталари қатнашадилар. (ЎзТАГ).

Тошкент-Чимкент трассасининг дастлабки километри

Тошкент-Чимкент янги газ қувури қурилиши трассасидан хабар қиладилар: 4-механизациялаштирилган колонна коллективи қувурларнинг дастлабки километрини ётқизди. Мусобақада пайвандчилар олдинда бормоқдалар, ҳар ҳозиргача қарийб ўн километр узунликдаги қувурни пайвандлаб қўйдилар.

Жарқоқ —Бухоро —Самарқанд —Тошкент магистралининг давоми бўлган бу газ қувури қурилиши трассасига яқин вақт ичида яна бир қурилиш коллективи — 1-механизациялашган колонна чиқади.

Қурилиш бошқармасида ЎзТАГ мухбирига Чимкентга газ қувури шу йилнинг учинчи кварталида етиб боришини билдирдилар. КПСС XXII съезди очиладиган кунларгача Қизилқум коннинг «зангори ёнилғиси» Жанубий Қозоғистон шаҳарларидаги саноат корхоналарининг ўтхонасига ва уй-жойларга етиб боради. (ЎзТАГ).

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА— 29/I да эрталаб **Олтин калид**, кечқурун **Масхарабозлар**, 31/I да **Этик кийган Мушук.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 29/I да эрталаб ва кечқурун **Ҳамза**, 31/I да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—29/I да эрталаб **Равшан ва Зулхумор** кечқурун **Ранс уйланнармиш**, 30/I да **Ошиқ Ғариб.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 30/I ва 2/II да **Ўзбек ашула, рақс ва музика кечалари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** Бугун уч марта тамоша кўрсатилади: кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда. Билетлар сотилган.

КИНО

Кўчма қалъа — «ВАТАН» (эрталаб соат 10. 11 ярим ва кеч 5 да).

Макр ва муҳаббат — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз соат 4 ва кеч 10 да).

Даҳшатли тунлар — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Уйқусиз йиллар—«СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Айрилиш кўча. 28-уйда турувчи **Комил Расулевич Тожибоев**нинг Магазин мавзу кўча, 3-уйда турувчи Хамия Шорасулевна Шоносировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Т. Шевченко кўчаси, 34-уйда турувчи **Эдвин Леонович Алхасьянц**инг Апанасенко кўчаси, 3-а уй, 3-квартирада турувчи Светлана Георгиевна Кучеровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекиста, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИН ИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими —29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00463. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б. 1521.